

ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Турдиев Лазиз Зарифович

Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси
доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20731805>

Далилларни тўплашда тезкор-қидирув тадбирини ўтказишнинг асоси ва тартиби масаласи жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида энг баҳсли мавзулардан бири ҳисобланади. Жиноят ишларини юритишда ҳақиқатни аниқлаш, жиноятни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортишда далиллар муҳим аҳамиятга эга. Далилларни тўплаш жараёнида тезкор-қидирув тадбирлари алоҳида ўрин тутди. Чунки айрим жиноятларни фақат тергов ҳаракатлари орқали эмас, балки тезкор-қидирув тадбири натижасида тўпланган далиллар орқали ҳам аниқлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонун нормаларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. **Тезкор-қидирув тадбири натижалари** жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, фош этиш, жиноят содир этган шахсларни топиш ва қидирувдаги шахсларни аниқлаш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган махсус фаолиятдир. Ушбу фаолият доирасида турли тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади. Тезкор-қидирув тадбирлари натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши, суриштирув ва дастлабки тергов органларига тақдим этилиши ҳамда ЖПК талабларига мувофиқ текширилиб ва баҳоланганидан кейин далил сифатида тан олиниши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни;

Тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатлар.

ЖПКнинг асосий вазифаларидан бири жиноятларни тез ва тўлиқ фош этиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳамда айбсиз шахсларни ноқонуний жавобгарликка тортмасликдан иборат. Шу мақсадда тезкор-

қидирув тадбирлари исбот қилиш жараёнининг муҳим ёрдамчи воситаси ҳисобланади. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Жиноят-процессуал кодекси ва соҳавий норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Тезкор-қидирув тадбирлари жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош этиш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш мақсадида ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Замонавий шароитда жиноятларни фош этиш, уларнинг олдини олиш ва айбдор шахсларни аниқлашда тезкор-қидирув тадбирлари самарали восита ҳисобланади. Бироқ тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлар тўғридан-тўғри далил мақомига эга бўлмайди. Тезкор-қидирув тадбири натижаларидан далил сифатида фойдаланиш муайян процессуал талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Жиноят-процессуал кодекси мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши, тергов ҳаракатларини режалаштиришда қўлланилиши ва белгиланган тартибда текширилиб баҳолангандан кейин далил сифатида тан олиниши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлар жиноят ҳақидаги маълумот манбаи ҳисобланади. Улар орқали жиноятнинг содир этилганлиги, уни содир этган шахс, жиноят қуроли ёки бошқа муҳим ҳолатлар аниқланиши мумкин. Шу сабабли мазкур маълумотларнинг процессуал мақоми масаласи назарий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлар ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра процессуал далил эмас, балки далил манбаи сифатида баҳоланади. Сабаби улар тезкор-қидирув тўғрисидаги қонун талаблари асосида олинсада, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган процессуал тартиб асосида текширилгандан сўнг далил сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш ва уларни жиноят процессига татбиқ этиш тартиби



белгиланган. Хусусан, Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонунининг 19-моддасида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишларини юритиш жараёнида фойдаланиш масалаларини тартибга солади.

Тезкор-қидирув тадбирлари давомида олинган маълумотлар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувлар, ашёлар ҳамда бошқа материаллар тезкор-қидирув фаолияти материаллари ҳисобланади. Бироқ ушбу материаллар ўз-ўзидан процессуал далил мақомига эга бўлмайди. Уларнинг далил сифатида тан олинishi учун Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда текширилиши ва мустаҳкамланиши талаб этилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан фойдаланишда қонунийлик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Агар тезкор-қидирув тадбири қонун талабларига зид равишда, тегишли рухсатсиз ёки ваколатсиз шахс томонидан ўтказилган бўлса, унинг натижалари мақбул далил сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Шу сабабли ҳар бир тезкор-қидирув тадбири ваколатли органнинг қарори асосида ва қонунда белгиланган процессуал талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Шу билан бирга тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланиш кўп жиҳатдан қонунийлик принципига риоя қилинишига боғлиқ. Тезкор-қидирув тадбирлари қонун талабларига мувофиқ ўтказилган тақдирдагина уларнинг натижалари жиноят ишларида далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қўшимча кафолатлар мавжуд. Ёзишмалар сирини сақлаш, телефон сўзлашувларини эшитиш, уй-жой дахлсизлигига оид тадбирлар фақат қонунда белгиланган тартибда ва тегишли санкциялар асосида амалга оширилади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланиш учун қуйидаги процессуал шартларга амал қилиниши лозим.

Биринчидан, тезкор-қидирув тадбири қонунчиликда белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳолда ва ваколатли орган томонидан ўтказилган бўлиши керак. Қонун талабларига зид равишда, тегишли қарор ёки санкциясиз ўтказилган тадбир натижалари мақбул далил сифатида қабул қилинмайди.

Иккинчидан, тезкор-қидирув тадбирини амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган бўлиши лозим. Конституцияда



кафолатланган шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ёзишмалар сири, телефон сўзлашувлари сирини муҳофаза қилиш каби ҳуқуқлар фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда чекланиши мумкин. Ушбу талабларнинг бузилиши натижасида олинган маълумотлар номақбул далил деб топилиши мумкин.

Учинчидан, тезкор-қидирув тадбирининг натижалари тегишли тартибда расмийлаштирилиши шарт.

Тўртинчидан, тезкор-қидирув тадбири натижалари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан текширилиши ва баҳоланиши керак. ЖПКга мувофиқ, ҳар бир далил унинг мақбуллиги, ишончлилиги ва иш учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳоланади. Шу сабабли тезкор-қидирув тадбири натижалари бошқа далиллар билан таққосланади ва уларнинг ҳаққонийлиги аниқланади.

Бешинчидан, тезкор-қидирув тадбирлари натижалари процессуал манба орқали мустаҳкамланиши лозим. Масалан, кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, сўроқ қилиш ёки экспертиза каби тергов ҳаракатлари орқали расмийлаштирилади. Ана шундан сўнг улар жиноят иши бўйича далиллар тизимига киритилиши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижалари тергов тусмолларини шакллантиришда, гумон қилинувчиларни аниқлашда ва тергов ҳаракатларини ўтказишга хизмат қилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Тезкор-қидирув тадбирлари натижалари жиноятларни фош этиш ва исботлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этса-да, улардан далил сифатида фойдаланиш амалиётида бир қатор назарий ва амалий муаммолар учрайди. Ушбу муаммолар тезкор-қидирув фаолияти билан жиноят-процессуал фаолият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда далилларнинг мақбуллиги масалалари билан бевосита боғлиқдир.

2. Тезкор-қидирув тадбирлари натижалари жиноят ишида далил сифатида қўллаш учун ЖПК талабларига мувофиқ процессуал тартибда мустаҳкамлаш талаб этилади. Амалиётда айрим ҳолларда тезкор-қидирув тадбирлари тегишли тергов ҳаракатлари билан тасдиқланмасдан туриб иш материалларига киритилиши мумкин. Бу эса далилнинг мақбуллигига шубҳа туғдиради.

3. Тезкор-қидирув тадбирлари қонунда белгиланган асослар ва тартибларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилиши лозим. Бироқ

амалиётда санкция талаб этиладиган тадбирларни ўтказишда процессуал камчиликларга йўл қўйилиши, ваколат доирасидан чиқиб кетиш ёки ҳужжатларни расмийлаштиришда хатолар кузатилиши мумкин. Бундай ҳолатлар олинган маълумотларни номақбул далил деб топишга асос бўлади.

4. Тезкор-қидирув тадбирларининг айрим турлари шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ёзишмалар сирини сақлаш ва мулк дахлсизлиги каби конституциявий ҳуқуқларга дахл қилиши мумкин. Шу сабабли ушбу ҳуқуқларнинг чекланиши фақат қонун асосида ва зарур даражада амалга оширилиши лозим. Амалиётда эса айрим ҳолларда шахс ҳуқуқларининг етарли даражада таъминланмаслиги ҳақида баҳслар юзага келади.

5. Замонавий технологиялар ёрдамида аудио ва видеоёзувларни таҳрир қилиш имконияти кенгайиб бормоқда. Шу боис тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида олинган рақамли маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ўзгартиш киритилмаганлигини исботлаш зарурати пайдо бўлади. Бу ҳолатларда экспертиза тайинлаш ва техник текширувлар ўтказиш талаб этилади.

6. Агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкин. Агар тезкор-қидирув тадбирлари жиноятни фoш этиш эмас, балки уни сунъий равишда келтириб чиқаришга хизмат қилса, бундай ҳолат провокация деб баҳоланади ва олинган натижаларнинг далилий қиймати шубҳа остида қолади.

Хулоса қилиб айтганда, далилларни тўплашда тезкор-қидирув тадбирлари жиноят процессининг муҳим ва ўзига хос институти ҳисобланиб, улар жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, фoш этиш ҳамда жиноят содир этган шахсларни аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий жиноятчиликнинг ташкилий жиҳатдан мураккаблашиб бориши, ахборот технологияларидан кенг фойдаланилиши тезкор-қидирув фаолиятининг аҳамияти янада оширади. Шу нуқтаи назардан, тезкор-қидирув тадбирлари жиноят-процессуал исбот қилиш механизмининг муҳим ёрдамчи воситаси сифатида намоён бўлади.



Бирок тезкор-қидирув тадбирлари натижалари билан жиноят-процессуал далиллар ўртасида ҳуқуқий табиат жиҳатидан муайян фарқ мавжуд. Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган процессуал тартиб орқали текшириш, баҳолаш ва мустаҳкамлаш талаб этилади. Мазкур талаблар қонунийлик, мақбуллик, ишончлилик ва далилларнинг етарлилиги каби фундаментал процессуал принципларни таъминлашга хизмат қилади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби етарли даражада норматив тартибга солинган бўлса-да, уларнинг натижаларидан далил сифатида фойдаланиш амалиётида қатор мураккаб муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, тезкор маълумотларни процессуал далилга айлантириш механизми, рақамли далилларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, махфий манбалардан олинган маълумотларни баҳолаш ҳамда суд амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳозирги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессуал қонунчилик ўртасидаги ўзаро мувофиқликни янада такомиллаштириш, тезкор-қидирув тадбирлари натижаларининг далилий қийматини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш, рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш ҳамда суд ва тергов амалиётида ягона ҳуқуқни қўллаш стандартларини шакллантириш зарур. Бу эса, ўз навбатида, жиноят ишларини тергов қилиш самарадорлигини ошириш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Демак, далилларни тўплашда тезкор-қидирув тадбирларини қонуний, асосли ва самарали ташкил этиш ҳақиқатни аниқлаш ва қонунийлик принципини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бу эса тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнидаги аҳамияти келгусида ҳам ортиб боришини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/acts/20596>
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни/ <https://www.lex.uz/acts/2107763>
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси <https://www.lex.uz/acts/111460>.



- 4.Н.Н.Бекмуродов, (2022). Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(10), 165–169.
- 5.А.А.Ҳамдамов Тезкор-техник воситалардан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2020. – №3. – Б. 45–52.
- 6.С.Ф.Артиков. “тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш борасидаги айрим мулоҳазалар”
file:///C:/Users/user/Downloads/ARIMS+2604%20(1).pdf
- 7.Х.М.Набиев. «Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари»
file:///C:/Users/user/Downloads/8.pdf



WOC
WORLD
ONLINE
CONFERENCES

